Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

№21
31 октябрь

conferences.uz

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 21-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ

МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ 21-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1

MATERIALS OF THE REPUBLICAN 21-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1

ТОШКЕНТ-2020

УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 21-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 17 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

8.Адабиёт
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси
© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Xidirova Matlubaxon Zokirovna
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FUQAROLARINING CHET ELDAGI HUQUQIY HOLATI 7
2. Йўлдошев Каримжон Акромович
СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТАШҚИ МАНБА МАЪЛУМОТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ 9
3. Нурумбетова Садоқат Аллаяровна
ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНИ ФОШ ЭТИШДА ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИ АҲАМИЯТИ 11
4. Д.Абдуллаева
ИШ ВАҚТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР 14

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FUQAROLARINING CHET ELDAGI HUQUQIY HOLATI

Xidirova Matlubaxon Zokirovna
Farg‘ona viloyati Buvayda tumani
33-sonli umumiy o‘rta ta’lim
maktabining Milliy istiqlol g‘oyasi,
huquq va ma’naviyat asoslari fani o‘qituvchisi
Telefon: +998 90 556 22 70

Annotatsiya: Quyida berilgan ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining chet eldagi huquqiy holati haqida ilmiy yondashishga harakat qilingan ya’ni – O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining chet elga chiqish to‘g‘risidagi tartibi hamda O‘zbekiston Respublikasining diplomatik pasporti to‘g‘risidagi Nizomi, O‘zbekiston Respublikasining Konsullik Ustavi va boshqa ma’lumotlar haqida qisqacha yoritishga harakat qilingan.

Kalit so‘zlar: O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, BMT, SPID, Konsul, Nizom, Chet el, ”Inson huquqlari Deklaratsiyasi”.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 28-moddasigada O‘zbekiston Respublikasi fuqarosi respublika hududida bir joydan ikkinchi joyga ko‘chish, O‘zbekiston Respublikasiga kelish va undan chiqib ketish huquqiga ega deb – yozib qo‘yilgan. O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining chet elga chiqish tartibi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1995-yil 6-yanvardagi 8-sonli “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining chet elga chiqish to‘g‘risidagi tartibi hamda O‘zbekiston Respublikasining diplomatik pasporti to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash to‘g‘risida”gi Qarori bilan tasdiqlangan. Unda shunday yozilgan – O‘zbekiston Respublikasi qonunchiligiga ko‘ra, O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari shaxsiy, jamoa ishlari bo‘yicha, doimiy yashash uchun, sayohatchi sifatida, o‘qishga, ishga, davolanishga, xizmat safariga chet elga erkin chiqish huquqiga egadirlar. Chet elda hozir bo‘lgan O‘zbekiston fuqarolari O‘zbekiston Respublikasi muhofazasida bo‘ladilar. Bu holat O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 22-moddasida ko‘zda tutilganligini ko‘rishimiz mumkin, ya’ni unda quyidagicha izohlanadi – O‘zbekiston Respublikasi o‘z fuqarolarining huquqiy muhofazasini ham O‘zbekiston Respublikasi hududida, ham undan tashqarida kafolatlaydi. O‘zbekiston Respublikasining Konsullik Ustavida belgilanganidek, konsulning vazifasi – O‘zbekiston fuqarosi qaysi davlatda bo‘lsa, shu davlat qonunlari tomonidan berilgan barcha huquqlardan, shu davlat va O‘zbekiston Respublikasi a’zo bo‘lgan xalqaro shartnomalardan to‘la hajmda foydalanishi uchun chora ko‘radi. Shu munosabat bilan O‘zbekiston Respublikasi fuqarosining huquqiy holati nafaqat uning hozir bo‘lgan davlatning qonunchiligi bilan, balki shu davlat va O‘zbekiston Respublikasi orasida tuzilgan ikkitomonlama va ko‘p tomonlama xalqaro shartnomalar tomonidan ham belgilanadi[1]. Shartnoma tartibidagi o‘zarolik asosida ma’lum holatning taqdim etilishi, O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining turli xil kamsitishlardan himoya qilish, ularning huquqiy holatini birtaraflama tartibda o‘zgartirishlarning oldini olish maqsadiga yo‘naltirilgan. Bu yerda, avvalambor, BMT tomonidan e’lon qilingan ”Inson huquqlari Deklaratsiyasi”ni ko‘rsatib o‘tish joiz. Unga qo‘shilgan ko‘p mamlakatlar o‘z davlatlari hududida insonga asosiy huquq va erkinliklar taqdim qilish majburiyatini oldilar. O‘zbekiston chegarasidan tashqariga vaqtinchalik chiqayotgan

[1] Rahmonqulov H.R. va boshqalar. Xalqaro xususiy huquq. Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. – T.: TDYI nashriyoti, 2008. – B. 86.

O‘zbekiston Respublikasi fuqarosining, avvalambor, chet elda bo‘lish muddati chegaralangan va xorijiy mamlakat tomonidan taqdim etilgan kirish-chiqish vizasida qayd etilgan bo‘ladi. Ayrim davlatlar, shuningdek, mamlakatga kirayotgan shaxs o‘zi bilan birga tibbiy sug‘urta, ma’lum pul miqdori, biron-bir kasallikka qarshi emlanganligi to‘g‘risidagi, masalan, SPID bilan kasallanmaganligi to‘g‘risidagi ma’lumotnomalarga ega bo‘lishini talab qilishadi. Ishga yoki o‘qishga ketayotganda, viza, kerakli kontrakt mavjud bo‘lgan holdagina beriladi. Shu ham aytish joizki, O‘zbekiston Respublikasi fuqarosining huquqiy holati, u qaysi xorijiy davlatda bo‘lsa, shu davlat qonunchiligi bilan belgilanadi. Shuning uchun, O‘zbekiston Respublikasi fuqarosining huquqiy holati turli davlatlarda turlicha bo‘ladi. Masalan, ichki qonunlari shariat normalariga asoslangan bironbir islom davlatida bo‘lgan O‘zbekiston Respublikasi fuqarosi ayrim harakatlari uchun (spirtli ichimliklarni iste’mol qilish, taqiqlangan kiyimlarni kiyish) jazolanishi va xatto jinoiy javobgarlikka tortilishi mumkin. Vaholanki, xuddi shu harakatlar uchun Yevropa davlatida bo‘lgan boshqa bir fuqaroimiz hech qanday javobgarlikka tortilmaydi. O‘zbekiston Respublikasi fuqarosi biron-bir xorijiy davlat muassasasiga, korxonasiga yoki firmasiga ishga kirishi vaqtida taraflar o‘rtasidagi munosabatlar muassasa joylashgan davlat qonunlari bilan tartibga solinadi.

Xulosa o‘rnida shuni qo‘shimcha qilishimiz mumkinki – O‘zbekiston Respublikasi fuqarosining mulk, shaxsiy nomulkiy, oila, mehnat va protsessual huquqlari, milliy huquq normalari bilan bir qatorda xalqaro xususiy huquq va xalqaro odatlar, shuningdek fuqaro qaysi davlatda bo‘lsa, shu davlat huquqi bilan tartibga solinishini ko‘rib o‘tishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. 22,28-moddalari.// https://lex.uz/docs/-20596
2. Rahmonqulov H.R. va boshqalar. Xalqaro xususiy huquq. Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. – T.: Toshkent Davlat Yuridik Instituti nashriyoti, 2008. – 488 b.
3. O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining chet elga borishlari tartibini va O‘zbekiston Respublikasining diplomatik pasporti to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida.// https://lex.uz/ru/docs/-426992

СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТАШҚИ МАНБА МАЪЛУМОТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Йўлдошев Каримжон Акромович
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси тингловчиси
+998935260085
karim858530@gmail.com

Аннотация: Мақолада мамлакатда амалга оширилган солиқ ислоҳотлари, устувор йўналишлар ва муҳим вазифалар ёритилган. Солиққа оид ҳуқубузарликларни олдини олишда ташқи манба маълумотларидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: солиқлар, ҳуқуқ, солиққа оид ҳуқубузарлик, ташқи манба, Солиқ кодекси.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда муҳим солиқ ислоҳотлари амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан солиқ тизимини барқарорлаштириш ва соддалаштириш, солиқ юкини пасайтириб бориш, рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғилувчанлигини ошириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаш-тириш борасида қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бироқ, солиқ назоратини ташкил қилиш механизмларининг мукаммал эмаслиги, шу жумладан солиқ текшируви объектларининг зарур таҳлилсиз белгиланиши солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни барвақт профилактика қилиш самарадорлигини пасайтираётганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли фармони танқидий қайд этилиб, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этишдек муҳим вазифалар белгиланди.

Дастлаб, солиққа оид ҳуқубузарлик моҳияти ва турларига қисқача тўхталиб ўтсак. Амалдаги Солиқ кодексининг 210-моддасига мувофиқ Солиқ тўловчининг, солиқ агентининг ёки бошқа шахснинг ушбу Кодексда жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Солиқ кодексининг 28-бобида эса солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари келтирилган. Жумладан:

солиқ органида ҳисобга қўйиш тартибини бузиш;
солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш;
назорат-касса техникасини ва ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш тартибини бузиш;
даромадлар ва (ёки) харажатларни ҳисобга олиш қоидаларини бузиш;
солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш);
солиқни (йиғимни) тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик;
ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш;
трансферт нархни белгилашда солиқларни тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик;
назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойда улуши солиқ базасига киритилмаганлиги натижасида солиқни тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик.

Ўз навбатида, Солиқ кодексининг 133-моддасида органлар, муассасалар ва ташкилотларнинг солиқ органларига маълумотлар тақдим этиш мажбуриятлари алоҳида белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрда ПҚ-1843-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарорда 50 дан зиёд мутасадди идоралар томонидан қарийб 250 га яқин йўналишлар бўйича солиқ мажбурияти юзага келганлиги юзасидан маълумотлар тақдим этилиши назарда тутилган.

Солиққа оид ҳуқубузарликларни олдини олишда ташқи манба маълумотларидан самарали фойдаланиш учун энг аввало Солиқ кодексининг 133-моддаси меъёрлари билан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрда ПҚ-1843-сонли қарори меъёрлари билан мувофиқлаштириш зарур. Чунки мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги солиқ мажбурияти юзага келганлиги юзасидан тақдим этиладиган маълумотларнинг тақдим этиш шакли, турлари ва муддатларида фарқли жиҳатлари мавжуд.

Шунингдек, солиқ мажбурияти юзага келганлиги юзасидан маълумотлар ва ахборотлар тақдим этувчи мутасадди органларнинг масъулиятини ошириш мақсадида, тақдим этмаган, белгиланган талаблар асосида сифатли тақдим этмаган ва ўз вақтида тақдим этмаганлиги юзасидан жавобгарлигини кучайтириш лозим.

Бундан ташқари, ташқи манба маълумотлари давлат солиқ хизмати органларида масъул ходимлар томонидан ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли таҳлил қилиниши таъминлаш мақсадида, таҳлиллар тегишли ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотлар яратилган ҳолда, ушбу дастурий маҳсулотлар орқали автоматик амалга оширилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 684-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрда “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1843-сонли қарори. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 45-сон, 511-модда.

ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНИ ФОШ ЭТИШДА ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Академияси Криминалистик экспертизалар кафедраси ўқитувчиси, майор
Нурумбетова Садоқат Аллаяровна

Аннотация. Мақолада трасологик экспертизаларнинг диагностик ва идентификацион вазифалари назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил қилиниб, жиноятчига оид трасологик излар орқали жиноятларни очиш ва уларни олдини олишда фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатлар бўйича тавсиялар берилган.

Таянч тушунчалар: трасологик излар, одам излари, статик контакт, динамик контакт, идентификация.

ВАЖНОСТЬ ТРАСОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ В ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ И РАСКРЫТИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

Аннотация. В статье анализируется диагностические и идентификационные задачи трасологических экспертиз с теоретической и практической стороны и даются рекомендации по раскрытию преступлений по трасологическим следам преступника, а также возможные случаи по их предотвращению.

Ключевые слова: трасологические следы, следы человека, статический контакт, динамический контакт, идентификация.

THE IMPORTANCE OF TRACEABILITY IN THE PREVINTION AND DETECTION OF CRIMES

Annotation. The article analyzes diagnostic and identification tasks of psychological exspetise from a theoretical and practical point of view and provides recommendations on the detection of crimes following the trail of the criminal, as well possible cases to prevent them.

Key words: *trasologocal traces, human footprints, static contact, dynamic contact, identification.*

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси аввалambор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ. Халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратиб бериш мақсадида, энг аввало, кучли иқтисодиётни барпо этиш, мамлакатимизнинг халқаро майдонда ҳар томонлама рақобатбардошлигини таъминлашимиз зарур. Дунё миқёсида шафқатсиз рақобат тобора кескин тус олмоқда. Бундай мураккаб шароитда замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш бўйича биз узлуксиз иш олиб боришимиз керак. Нега деганда, бу масала ҳозирги вақтда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини барқарор ривожлантириш, Ватанимизнинг ёруғ келажагини бунёд этишнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда[1]. Замонавий шароитларда экспертиза хизматлари фаолиятининг шакл ва усулларини мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилишини фан ва техниканинг янги ютуқларига асосланган суд экспертизасини кенг қўллашсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки, содир бўлган жиноятни тергов қилиш жараёнида, шунингдек уни суд муҳокамасида кўриш вақтида иш учун аҳамиятли бўлган қатор ҳолатлар юзасидан махсус билим, фан, техникани қўллаб тадқиқот ўтказиш ва шунинг асосида тегишли маълумотларни олиш зарур бўлади. Жиноятларни очишда трасологиянинг аҳамияти шундан иборатки, изларга қараб жиноятларнинг муайян вазиятларини аниқлаш мумкин бўлади. Суд ва тергов жараёнида излардан асосан бир неча мақсадларда

[1] Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 07.12.2017.

фойдаланилади.

Биринчидан, жиноят изларини келиб чиқиш сабаблари ҳосил бўлиш механизми ҳамда мазмунига қараб содир бўлган жиноий воқеани аниқлаш мумкин бўлади.

Иккинчидан, жиноят содир бўлган жойда қолган излардан идентификация мақсадлари учун фойдаланилади. Масалан, воқеа жойидан топилган транспорт воситаларининг излари шубҳа остига олинган транспорт воситалари излари билан таққосланади.

Учинчидан, жиноятчи қолдирган изларни ўрганиб, текшириб жиноятни очиш, унинг олдини олиш чорасини кўриш мумкин. Масалан: қулфни бузиш ёки уни бошқа калитлар билан очиш мумкинлигини кўриб, уларни мустаҳкамлаш, очилмайдиган қилиш мумкин. Чунки, трасология - излар ҳақидаги таълимот бўлиб, жиноят изларини топишнинг махсус воситалар, илмий усул ва методларини ўрганувчи криминалистиканинг мустақил соҳаси ҳисобланади.

Трасологияга оид методлар, воситалар изларини топишга, тўплашга, уларнинг қайси гуруҳга мансублигини белгилашга, идентификация қилиш ва изларнинг хусусиятига қараб содир бўлган воқеани аниқлашга қаратилгандир. Трасологиянинг техника воситалари ва методлари бир қатор илмий қоидаларга асосланади, масалан, умумийдан хусусийга қараб текшириш.[1]

Обьектларнинг ташқи тузилиши деб, трасологияда унинг шакли, ўлчами, устки қатламидаги рельефига айтилади. Шунингдек, обьектларнинг ташқи тузилиши белгилари уларнинг конфигурациясини беради. Мана шуларга асосан обьектларнинг ташқи тузилиши белгилари уларнинг конфигурациясини ҳажми, размер характеристикасини беради. Бу белгилар обьектнинг бутунлай ўзига ҳамда унинг исталган бир қисмига ҳам алоқадордир.

Бу нарсадан идентификация учун фойдаланилади. Обьектлар қолдирган акснинг қанчалик тўлиқлиги унинг ҳосил бўлишидаги шарт-шароит ва из ҳосил қилиш механизмига боғлиқ бўлади.

Изнинг ҳосил бўлишида асосан иккита обьект қатнашади. Биринчи тури из қолдирувчи, иккинчиси изни қабул қилувчи деб аталади.[2]

Қўл бармоқлари, оёқнинг товони, оёқ кийимлар, бузиш қуроли, транспорт воситалари шинаси, асбоблар, одамнинг тиш аппарати ва бошқалар из ҳосил қилувчи обьектлар бўла олади. Дарахт, темир, пластмасса, форфор, ойна ва бошқалар из қабул қилувчи обьект бўла олади.

Из қабул қилувчи объектнинг ўзгаришига қараб, излар ҳажмдор ва юзаки бўлади. Ҳажмдор излар из қабул қилувчи объектнинг деформацияси натижасида ҳосил бўлади. Масалан, силжитиш, зичлаш, кириб олиш киради. Ҳажмдор изларнинг ривожланиши из қабул қилувчининг баъзи хоссалари: зичлиги, пластиклиги ҳамда из ҳосил қилувчининг хоссалари ва из ҳосил қилишда босим кучига боғлиқ бўлади.

Изларни қидириб топиш мақсадида нафақат ҳодиса содир бўлган жойни, балки бу жойга туташ бўлган ҳудудларни, жиноятчининг келиш ва кетиш йўлларини ҳам кўздан кечириш керак бўлади. Бу ҳолда биринчи навбатда жиноятчи таъсирлашган буюмлар ва у ҳодиса жойининг жиноятчи жойлашган ҳудудлари текширилади. Ушбу кўрсатилган обьектларни мутахассис-криминалист ҳодиса содир бўлган жойни бевосита кўздан кечиришда текширилаётган ҳодисанинг характери ҳамда жиноятнинг мотивини ҳисобга олган ҳолда ўрганади. Бундан ташқари мутахассис-криминалист ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш даврида, бўлиб ўтган ҳодиса ва ушбу ҳодиса иштирокчиларининг ҳатти-ҳаракатларини бўйича терговчи, оператив ходим, гувоҳлар ва жабрланувчи ва бошқалар эга бўлган маълумотлардан ҳам фойдаланади. Бундай маълумотлар танқидий нуқтаи-назардан, шахсий ва бу каби ҳодисаларга нисбатан ўзининг тажрибалардан келиб чиқиб фойданилмоғи даркор[3].

Из ташувчи объектлар билан эҳтиёткорона, изларни бузмасдан ёки йўқотмасдан муомала қилиш керак. Айнан ана шу сабабга кўра, объектларни ўзгаришига, бузилишига ёки йўқолишига сабаб бўлувчи ва янги, жиноятга алоқаси бўлмаган изларни вужудга келишига олиб келувчи турли тажриба ва тадқиқотлар ўтказиш мумкин эмас.

---

[1] Қаранг: Данисявичус А. Криминалистическое следоведение. - Вильнюс, 1983. - .28 б.

[2] Қаранг: Грановский Г.Л. Основы трасологии (Общая часть).-М., 1996. -. 19 бет.

[3] Қаранг: Виницкий Л.В. Осмотр места происшествия: организационные, процессуальные и тактические вопросы. - Караганда, 1986.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш керакки, изларни аниқлаб ва қайд этгандан сўнг мутахассис-криминалист уларни диққат билан ўрганиши ва керак бўлса, қуйидаги вазифаларни ҳал этиш мақсадида дастлабки тадқиқотларини ўтказиши лозим.

Изларни жиноят ҳодисасига тегишлилигини аниқла вазифасини бажариш учун терговчига маълум бўлган ва гувоҳлар, жарбланувчиларни сўроқ қилиб олинган маълумотлардан фойдаланиш керак. Из ташувчи буюмга нисбатан, унинг бўлиб ўтган ҳодисага алоқаси, у билан боғлиқлиги аниқланади, изларнинг ўзига нисбатан эса - уларнинг вужудга келиш вақти, топографияси, жойлашиши, вужудга келиш механизми, жабрланувчига, гумон қилинувчига ёки тасодифий шахсларга тегишли бўлиши эҳтимоллиги аниқланади[1]. Керакли намуналарни танлаб олиш терговчи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Из ҳосил қилувчи объектнинг аломатлари тўғрисида маълумотларни олишда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган жиноятчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, қўл ва оёқ излари бўйича одамнинг ёши, жинси, бўйининг узунлигини, юриш хусусиятларини, алоҳида белгиларининг мавжудлигини ва инсоннинг бир қатор жисмоний хусусиятларини аниқлаш мумкин. Бузиш қуролнинг изларига кўра жиноятчининг касби ва маҳорати, унинг буйи ва жисмоний имкониятлари ҳакида маълумот бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хафизов Ш. Н. О деятельности нормативно-правового регулирования судебно-медицинской экспертизы Адвокат. , 2007. - № 5. - Стр. 58-61.

2. Смирнова С. А. Судебная экспертиза в зарубежье XXI век. Состояние, развитие, проблемы. Издание второе, переработанная и дополненная. - СПб .: Петербург, 2004. - С. 583.

3. Мухаммадалиев Д.С. Управленческая деятельность органов внутренних дел. Часть 1: Учебник. - Т .: Академия МВД Республики Узбекистан, 2012. - 73 с.

4. Милнер Б.З. Организационная теория. - М., 2004. - с. 148.

5. Уголовное правосудие в Японии. Институт Организации Объединенных Наций для Азии и Дальнего Востока по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями. http://www.legal-tools.org/doc/415253/pdf. - 45 с.

6. Доказательства экспертов по уголовным делам в Англии и Уэльсе. Комиссия по праву (Закон № 325). - Лондон, 2011. - P. 22.

7. Коблова Л.И. Об информационном обеспечении производства судебно-трасологических экспертиз // Экспертная техника. - М .: ВНИИСЭ, 1990. - Вып. 114.

8. Самойлов Л.Н. Корреляция как форма диалектической связи. - М., 2005.

1 Қаранг: Самойлов Л.Н. Корреляция как форма диалектической связи. - М., 2005.,

ИШ ВАҚТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Д.Абдуллаева
Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтисослаштирилган филиали
Хусусий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири в.б.
Телефон: +998909252772
dilfuza.abdullayeva@yandex.ru

Аннотация: Ушбу мақолада иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишга оид бўлган халқаро стандартлар ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ўрни, халқаро меҳнат стандартлари тизимида иш вақти соҳасидаги стандартларнинг муҳим ўрин хусусида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: меҳнат қонунчилиги, меҳнат муносабатлари, иш вақти, халқаро стандартлар, конвенция.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида халқаро ҳуқуқий шартномалар ва конвенциялар босқичма-босқич ратификация қилинмоқда.

Халқаро меҳнат стандартлари – бу ёлланма меҳнатни қўллаш, унинг шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимларнинг шахсий ва жамоавий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларнинг давлатлараро шартномалар ёрдамида тартибга солиш бўлиб, меҳнатни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий натижасидир. БМТ, ХМТ ва давлатлар ҳудудий бирлашмалари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ҳамда уларнинг икки томонлама (баъзан уч томонлама) келишувларида мустаҳкамланган нормалари бундай тартибга солинишнинг расмий ифодаланиши ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда халқаро меҳнат стандартлари меҳнат ҳуқуқининг меъёрий субстанцияси, замон тараққиёти ютуқларидан бири, ижтимоий қадриятларнинг бозор иқтисодиётига олиб кирилиши бўйича давлатлар фаолияти натижаларида ифодаланган, уни ташкил этувчи давлатларга мақбул жаҳон ҳамжамиятининг умумий сай-ҳаракатлари билан ижтимоий сиёсат воситаларининг ишлаб чиқилишидир.

Мазкур стандартларнинг мазмуни кўпгина давлатлар тажрибаларининг ифодаланиши, миллий меҳнат ҳуқуқи тизимининг қийматлироқ ва ҳар томонлама аҳамиятли меъёрлар ва асосларининг ҳосиласи, меҳнатни ҳуқуқий тартибга солувчи мавжуд тизимни ифодаловчи, юристлар иштирокида амалий қоидаларни яратиш, турли фикр ва ёндошувлар, ҳар-хил сиёсий куч ва манфаатлар, ғоявий концепциялар тўқнашуви натижаси, халқаро хужжатларга айлантириладиган муросали юридик формулани топишни ўзида жамлаган.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан муносабатларининг муҳим босқичи деб 1992 йилнинг 2 март санасини ҳисоблашимиз мумкин. Айнан шу кунда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўлақонли аъзоси бўлди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси БМТ Саммитида эълон қилинган барқарор ривожланиш бўйича халқаро кун тартибига бирлашиб, миллий миқёсида 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш мажбуриятини ўз буйнига олди.

Бунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича тизимли ва мақсадли ишлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 15 февралда 111-ф-сонли фармойиши қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга биноан мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби, мавзуга оид ишчи гуруҳлар, ишлар режаси ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича вазифалар рўйхати тасдиқланди. Республика халқаро ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири меҳнат муносабатлари соҳасидаги фаолиятдир. Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) билан хусусан муқобил ва муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш йўналишида фаол ҳамкорлик юритади. Бугунги кунга қадар ташкилотнинг 15 конвенцияси, жумладан, 8 асосий конвенцияси ратификация қилинган.

Ҳуқуқшунос олим А.Саидовнинг таъкидлашича, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини таъминлашга қаратилган. Мазкур хужжатларга қўшилган давлатлар инсоннинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъмин-

лаш бўйича тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилиш ва амалий чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ушбу халқаро мажбуриятлар жаҳон хамжамияти томонидан шахснинг ижтимоий ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган минимал стандартлар сифатида эътироф этилади.

Шуниси аҳамиятлики, 2017 йилдан бошлаб 2020 йилгача бўлган даврга мўлжалланган "Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури" амалга оширилмоқда. Ушбу дастур доирасида Ўзбекистон меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларидан хабардорлигини, ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича тадбирлар олиб борилмоқда, меҳнат қонунчилигини бузиш ҳолатлари юзасидан тезкор чора кўришга қаратилган мулоқот механизми йўлга қўйилмоқда. 2018 йилда Ўзбекистонда Халқаро меҳнат ташкилотининг миллий координатори офиси очилди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти барча органлари фаолиятининг уч томонламалик (трипартизм) тамойилига кўра ташкил этилгани эътиборга лойиқ. Ташкилот уставида акс эттирилган етакчи тамойиллар ва ижтимоий сиёсат йўналишлари аъзо давлатларни ўзаро боғлайди. ХМТ аъзолари амал қилиши шарт бўлган асосий прициплар тўртта бўлиб, улар қуйидагилардир:

бирлашиш ва жамоа музокаралари олиб бориш ҳуқуқини тан олиш;

мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишини сўзсиз бартараф этиш;

болалар меҳнатининг энг хунук шаклларини тақиқлаш;

меҳнат ва иш билан бандлик соҳасида камситишга йўл қўймаслик.

Ҳуқуқшунос олим Й.Турсунов ўз тадқиқотларида ХМТ ҳуқуқий ҳужжатларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш (имплементация қилиш)нинг қуйидаги усулларини кўрсатиб ўтган:

а) ХМТнинг ратификация қилинган конвенцияларини тўғридан-тўғри қўллаш;

б) конвенцияни ратификация қилишдан аввал миллий қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни ратификация қилиниши кутилаётган конвенцияга мослаштириш;

в) ХМТ назорат органлари мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни ратификация қилинган конвенция талабларига мувофиқлаштириш;

г) ратификация қилинган ёки қилинмаган конвенция қоидаларини кўзда тутувчи матнни миллий қонунчиликка киритиш;

д) жамоавий музокаралар чоғида ҳамда жамоа келишув (шартнома)лари матнида халқаро конвенция қоидаларидан фойдаланиш.

Умуман олганда, амалдаги миллий меҳнат қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, халқаро меҳнат стандартлари миллий қонунчилик тизимига имплементация қилинган. Қолаверса, айрим миллий нормаларимиз конвенцияларда белгиланганидан ҳам имтиёзлироқ қоидаларни ўз ичига олган. Қуйида ХМТнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенцияларининг айримларини кўриб чиқамиз.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий устувор вазифалари доирасида 8 соат ёки ҳафтасига 48 соатлик иш вақтини татбиқ этиш, ишсизликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, ҳомиладорлик ва туғриқдан кейин оналикни ҳимоя қилиш, аёлларнинг тунги вақтдаги меҳнатини тартибга солиш, минимум меҳнат ёшини белгилаш билан боғлиқ соҳаларга эътибор қаратилади.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ соҳаларида ХМТ конвенцияларини мавзусига кўра гуруҳлаш, таснифлаш мумкин. Уларнинг биринчи тури меҳнат соҳасида минимал қоидаларни белгиловчи конвенциялар бўлиб, мазкур турдаги халқаро ҳужжатлар қаторига Иш вақтини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисидаги 1935 йилги 47-конвенция, Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисидаги 1936 йилги 52-конвенция, Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги 138-конвенция, Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964 йилги 122-конвенцияларни киритиш мумкин бўлади.

Халқаро меҳнат стандартлари тизимида иш вақти соҳасидаги стандартлар муҳим ўрин тутади. Бунинг исботи ўлароқ ХМТ томонидан қабул қилинган биринчи Конвенция иш вақти муддатини чегаралашга бағишланган эди. Иш вақти соҳасида халқаро стандартларнинг муҳим ўрнига қарамай, уларнинг таҳлили ва айниқса таснифланишига меҳнат ҳуқуқи бўйича махсус адабиётларда лозим даражада эътибор берилмаган. Ундан ташқари, меҳнат соҳасида халқаро меҳнат стандартларини таснифлаш нафақат назарий, балки ама-

лий аҳамият касб этади, негаки ушбу стандартларнинг тузилишини аниқлашга йўл қўяди, уларни ўрнатишда ХМТга туртки бўлган сабабларни аниқлаш имконини беради. Иш вақти соҳасида халқаро меҳнат стандартларини икки асос бўйича таснифлаш таклиф этилиши мумкинлиги тақдим этилади:

ушбу стандартлар ХМТнинг қайси хужжатида ўрнатилганлигига қараб;

ушбу стандартларнинг таркибига кўра.

Таснифлашнинг биринчи асосидан келиб чиқиб иш вақти соҳасидага барча халқаро стандартларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

а) иш вақтига махсус бағишланган ХМТ конвенцияларида мустахкамланган стандартлар. Бу гуруҳга мисол бўлиб, 1935 йил 47-сонли “Иш вақтини ҳафтасига қирқ саотгача қисқартириш тўғрисида”ги, 1957 йил 106-сонли “Савдо ва муассасаларда ҳафталик дам олиш тўғрисида”ги ХМТ конвенцияларидан ўрин олган стандартлар;

б) комплекс характер касб этувчи ХМТ конвенцияларидан ўрин олган иш вақти соҳасидаги стандартлар.

Халқаро меҳнат стандартларнинг таркибига кўра таснифланиши катта аҳамиятга эга. Ушбу мезон қуйидаги стандарт турларини ажратишга имкон беради:

а) иш вақти муддатини чегаралашга қаратилган халқаро стандартлар;

б) тунги вақтдаги иш муддатини чегаралайдиган халқаро стандартлар,

в) юқори ижтимоий ҳимояга муҳтож алоҳида ходимлар тоифаси (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар) учун иш вақти соҳасида қўшимча кафолатларни назарда тутувчи халқаро стандартлар,

г) тўлиқсиз иш вақти соҳасидаги халқаро стандартлар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, ХМТ Конвенцияларини ратификациялаш ишлари кенгайтирилиши, янги бир қатор Конвенциялар миллий қонунчиликка имплиментация қилиниш ва шу асосда меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш ишлари янада такомиллаштириш, янги таҳрирда қабул қилинаётган Меҳнат кодексида уларда белгиланган қоидалар устуворлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Т.В. Абаева. Правовое регулирование расторжения трудового договора по соглашению сторон и по инициативе работника : диссертация ... кандидата юридических наук : 12.00.05 / Абаева Татьяна Викторовна; [Место защиты: Моск. гос. юрид. акад. им. О.Е. Кутафина].- Владикавказ, 2011.- 152 с.

2. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. // Ўзбекча нашр учун масъул муҳаррир А.Х.Саидов. — Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. Б. 12.

3. Г.Саттарова. Халқаро меҳнат стандартлари ва Ўзбекистон қонунчилиги. http://huquqburch.uz/uz/view.

4. Й.Турсунов. Халқаро меҳнат ҳуқуқи.Дарслик.-Т,.ТДЮИ. 2010. Б.26.

5. О.Пирматов. Халқаро хусусий ҳуқуқда меҳнат муносабатлари умумий асосларининг ривожланиш жиҳатлари. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: ютуқлари ва такомиллаштириш истиқболлари//Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮУ, 2016. –Б. 89.

6. 1952 йил 103-сонли “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ХМТ Конвенция.

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 21-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

(1-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.10.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000